



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Джураев Элёржон Мадаминович

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий маданиятини юксалтириш орқали жимсоний тарбия дарсларини келгусида сифатли ташкил этиш истиқболлари ҳамда унинг педагогик зарурияти таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишнинг замонавий педагогик усуллари, воситалари, мавжуд имкониятлар ва уларни янада такомиллаштиришнинг зарурияти илмий асосланган.

Калит сўзлар: таълим тизими, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, эстетик тарбия, бўлажак ўқитувчи, машғулот, жисмоний тарбия дарслари.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий – иқтисодий ва маънавий -маърифий ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони[1] асосида белгиланган масалаларни ҳал этишга қаратилган. Бунинг муҳим жиҳатларидан бири юксак маънавий ва ахлоқий салоҳиятга эга бўлган, юқори малакали кадрларни тайёрлашдан иборат. Бунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлайдиган таълим муассасаларининг ўқув – тарбия жараёнини давр талаблари асосида ташкил этиш, таълим – тарбия ишларини самарадорлигини ошириш учун унинг йўналишларини илғор педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириш лозим хисобланади. Зеро, Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт, олдимизга қўяётган бир – бирдан мурракаб ва муҳим масалаларни



ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечимини айнан таълим – тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч хосил қиламиз” [2].

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири – олий педагогик таълим жараёнида талабаларнинг жисмоний имкониятларини очиш ва уларни ривожлантириш ҳисобланади. Ушбу ғоя умумхалқ манбалар ва миллий-тарихий илдизларга эга: у фольклорда, халқ педагогикасида, Шарқ мутафаккирлари, кейинги даврлар маърифатчилари асарларида, ҳозирги замон педагогикасида акс эттирилган. Жисмоний маданият ва эстетика ажралмас тушунчалардир. Эстетика жисмоний маданиятнинг барча таркибий қисмларини пухта қоплайди. Шундай экан, жисмоний маданиятнинг эстетик аспекти эътирозга ўрин қолдирмайди. Модомики, жисмоний маданият – шахс ижтимоий-тарихий амалиётининг натижаси экан, унинг тарихига назар ташлаш, жисмоний маданият эстетикаси ғояси, унинг энг муҳим компоненти бўлган – спортни, албатта, ижтимоий контекстда ривожлантиришга имкон беради. У ижтимоий ҳаётнинг шаклларида бири, умумий маданиятнинг таркибий қисмидир.

Шунингдек, у мамлакат фуқароларини соғломлаштириш, унинг ҳимоячиларини тайёрлаш воситаларидан биридир. Шунинг унутмаслик керакки, жисмоний маданият халқ томонидан яратилган. Жисмоний тарбия шакллари, методлари, воситалари бошланғич меҳнат фаолияти жараёнидаёқ шаклланган. Меҳнат жараёнида инсон ўз жисмоний ва маънавий кучларини ривожлантириб келган.

Маълумки, жисмоний маданият машғулоти жисмоний тарбия – таълим муассасалари учун ташкиллаштирилган педагогик жараёнда анъанавий ва ноанъанавий таълим шакллари асосида олиб борилмоқда. Зеро ўқитиш давр талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб муайян қонуниятлар асосида ташкиллаштирилади. Бу қонуниятлар педагогика назариясида куйидагича тавсифланади: а) ўқитишнинг ижтимоий эҳтиёж билан аниқланиш қонунияти; б) ўқитишнинг ўзи амалга ошаётган педагогик шарт – шароитга боғлиқлиги қонунияти; в) ўқитишнинг ягона педагогик жараён таркибига кирувчи таълим, тарбия ва ривожлантириш жараёнлари ўз аро боғлиқлиги қонунияти; г) ўқитишнинг ягона педагогик жараёнда билим олувчиларнинг умумий ва касбга йўналтириш жараёнлари билан алоқадорлиги қонунияти; д) яхлит педагогик жараёнда умумкасбий фанлар билан ихтисослик фанларининг мазмуни, шакллари, методлари, воситаларининг ўз аро боғлиқликда амалга оширилишининг зарурлиги қонунияти.

Мазкур дедактик қонуниятлар мутахассислар тайёрловчи таълим муассасаларининг ўқув тарбия жараёнини анъанавий (амалдаги ўқитиш шакллари) ва ноанъанавий таълим технологиялари асосида олиб борилганлигидан далолат беради. Бу ҳозирги кунда амал қилаётган ўқитиш шакллари дир. Жисмоний маданият дарслари назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлганлиги сабабли улар маъруза, семинарлар, тренинглар, кўшимча машғулотлар ва х.к.да олиб борилади. Бунда монологик нутқ, диалогик нутқ, режа асосида суҳбат, монологик баён қилишда фикр алмашиш, баҳс – мунозара, савол – жавоб, ролли ўйинлар, жисмоний тренинглар шаклида амалга оширилади.

Шунга асосан жисмоний маданият машғулоти жараёнида илғор педагогик технологияларни тадбиқ қилиш учун даставвал, машғулотнинг мазмунидан келиб чиқиб ўқув мақсади аниқ белгилаб олиниши, мақсадга кўра натижаларни



кафолатлаш, кафолатланган натижага кўра ўқув жараёнини лойиҳалаш каби дидактик тизимларни камраб олади. Педагогик технологиянинг жисмоний тарбияда қўлланишининг яна бир хусусияти шундан иборатки, жисмоний маданият мақсадлари ифодаланган чиниқтириш ва мустахкамлаш машқлари, соғломлаштириш ва бадантарбия машқлари, умумий ҳаракатни шакллантирувчи машқлар асосида билим олувчиларда жисмоний маданият фанига ва спорт мусобақаларига қизиқиш уйғотилади ва ривожлантирилади. Дарҳақиқат, илғор педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириладиган ўқув машғулотида билим олувчиларнинг фаоллигини оширувчи дидактик тизим мавжуд бўлиб у ўзида куйидаги кўринишни изоҳлайди: Жадвалда ифодаланган таълим ва ўқитиш жараёни жисмоний маданият ўқитувчиларига куйидаги маълумотларини тағдим этишга йўналтирилган: а) жисмоний ҳаракатлар ва машқлар тўғрисида назарий маълумотлар; б) ҳаракатлантирувчи ва чиниқтирувчи машқлар бўйича илмий ҳамда амалий маълумотлар бериш; в) бадантарбия машқлари ёрдамида ёшларни соғломлаштириш тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтириш ва спортга қизиқишни уйғотувчи тренингларни ташкил этиш. Музкур тизим бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларини жисмоний маданият назарияси ва амалиётига оид маламутлар билан қуроллантириб, уларни амалга қўллашнинг амалий йўналишини чуқурлаштиради.

Жисмоний маданият ва спорт машғулотларини тўғри ташкил этиш жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражаси билан боғлиқдир. “Жисмоний маданият” – бу инсон қобилиятларини жисмонан ва интеллектга ривожланиши мақсадида, инсон ҳаракатлари фаоллигини такомиллаштириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия, жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланиш йўли билан ижтимоий адаптация мақсадида жамиятда яратилаётган ва фойдаланилаётган кадриятлар, меъёрлар ва билимлар жамланмасидан иборат бўлган маданиятнинг бир қисмидир [3]. Жисмоний тарбия орқали касбий малакага муваффақиятли эришилади, у шахс тарбияси, инсон жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, жисмоний маданият ва спорт соҳасида билим ва малака орттиришга қаратилган жараёндир. Унинг мақсади юқори жисмоний маданият даражасига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган ва жисмонан соғлом инсонни шакллантиришдир [4].

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, меъерий, назарий базалар мажмуаси ягона “жисмоний маданият” тушунчаси билан бирлаштирилади. Жисмоний маданият ривожланишини таҳлили педагогнинг касбий тайёргарлиги жараёнини компонентларини аниқлаб беради. Булар куйидагилар:

- мақсадли компонент;
- мазмунли компонент;
- технологик компонент;
- натижали компонент.

Жисмоний маданият ўқитувчиси маълум фаолиятни ўз вақтида аниқлаши ва тушиниши учун унга тайёр бўлиши керак. Бу ерда тайёргарлик – бу иш жараёнида шаклланиши керак бўлган муваффақиятли ишнинг муҳим шартидир.

Жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги жараёни, мотивация, фаолият компонентларини ўз ичига мужассамлаган мураккаб тизим сифатида маълум



характеристикага эга. Мотивация компоненти тайёргарликнинг бошқа компонентлари шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги унинг педагогик йўналтирилганлигининг хусусиятига боғлиқдир. Йўналтирилганлик унга хос индивидуал эhtiёж, қизиқишлар ва ўқитиш хусусиятлари билан таърифланади. Уларнинг фаолият мақсади англаб олинсагина жамият учун муҳим саналади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнининг асосий шакли ва мазмуни дарс ҳисобланади. Бу мураккаб ва масъулиятли фаолиятлар бошқа фанлар каби жисмоний тарбияда ҳам асосий ўринда туради. Жисмоний тарбия дарслари педагогик усуллар, тамойиллар, технологик ва маҳорат каби жараёнларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда бошқа фанлардан туб фарқ қилиб, ўз мақсад ва вазифаларига эгадир. Шу сабабдан уларни жисмоний тарбия таълими деб аташ мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбия таълими фақат дарс шаклидагига эмас, унинг таркибий қисми сифатида дарсдан ташқари яна бир қатор шакл ва мазмунлари мавжуд, яъни:

- эрталабки гимнастика (уй шароитида);
- дарсгача гимнастика;
- катта танаффуслардаги соғломлаштириш машқ-ўйинлар;
- бошқа фанларни ўқитиш жараёнида оралик лаҳза машқлари;
- спорт тўгараклари машғулоти.

Жисмоний тарбия таълими мазмунида таълим олувчиларни тарбиялашда умумий ва хусусий вазифалар мавжуд, яъни:

- умумий вазифалар – билим бериш, жисмоний жихатдан тарбиялаш, соғломлаштириш каби педагогик жараёнларни амалга ошириш кўзда тутилади;
- жисмоний тарбия Давлат таълим стандарти дастуридаги махсус вазифаларни амалга оширишда қуйидагилар ҳал этилади:

1. Таълим олувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тайёргарлиги ва тана аъзоларининг чиниқишини таъминлаш;
2. Таълим олувчиларнинг ёши ва жинси асосида турли меҳнат фаолиятларга тайёргарлик даражаларини ошириш;
3. Табiiй ҳаракат малакаларни тарбиялаш;
4. Жисмоний маданият мазмуни ва уларнинг тушунчалари билан қуроллантириш, назарий билимлар бериш;
5. Жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланишга одатлантириш, ишонч ҳосил қилдириш;
6. Таълим олувчиларнинг жисмоний маданият тадбирларини ташкил қилиш йўлларига тайёрлаш ва сафарбар этиш;
7. Ўқув қўлланмалар, газета, журналлар ва телерадио материаллари ҳамда видеотасвирлардан мақсадли, самарали фойдаланиш йўлларини ўргатиш;
8. Жисмоний тарбия дарслари, тўгараклардаги спорт машғулотида маънавий-маърифий маданият йўлларини ўрганиш ва уларга доимо содиқ бўлиб юришга даъват этиш ва ҳ.к.

Адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/5841063>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т. : “Ўзбекистон” 20018.
3. Осокин Г. В., Основы профессиональной подготовки педагога к развитию физической культуры в учебно-тренировочном процессе: дис. д-ра пед. наук. /Г. В. Осокин. - Москва, 2010. – С. 89.
4. Основные этапы профессиональной подготовки преподавателей физической культуры // Вестник Удмурского университета. - Выпуск № 3-2 / О.В. Гайдук. 2014. –С. 54
5. Islamov I. I. Fundamentals of promotion of sports and competitions and physical training among school students. Current research journal of pedagogics 2(6): 85-89, June 2021
6. Islomov Islomkhoja. Socio-pedagogical purposes of modern physical education. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. december, 2020-vii. issn 2181-9750
7. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth’s intellectual culture. European science review, (7-8). 8.
8. Сиддиков, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальны й опыт и реальная необходимость международных инициатив. In Условия социально - экономического развития общества: история и современность (pp. 38 - 43).
9. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
10. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in Islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.